

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

ҲАЙДАРОВ САНЪАТ СУННАТОВИЧ

**ЮҚОРИ ЧИЗИҚИЙ ЗИЧЛИКДАГИ ИПАК ИПЛАРИДАН ГИЛАМ
МАҲСУЛОТЛАРИГА ХОМАШЁ ТАЙЁРЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ
ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**05.06.02 – Тўқимачилик материаллари технологияси ва
хомашёга дастлабки ишлов бериш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора
философии (PhD) по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of
philosophy (PhD) on technical sciences**

Ҳайдаров Санъат Суннатович

Юқори чизиқий зичликдаги ипак ипларидан гилам маҳсулотларига хомашё тайёрлаш
технологиясини ишлаб чиқиш..... 3

Хайдаров Санъат Суннатович

Разработка технологии подготовки сырья из шелковых нитей высокой линейной
плотности для ковровых изделий..... 23

Khaydarov Sanat Sunnatovich

Development of technology for the preparation of raw materials for carpet products from silk
threads of high linear density 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 46

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

ҲАЙДАРОВ САНЪАТ СУННАТОВИЧ

**ЮҚОРИ ЧИЗИҚИЙ ЗИЧЛИКДАГИ ИПАК ИПЛАРИДАН ГИЛАМ
МАҲСУЛОТЛАРИГА ХОМАШЁ ТАЙЁРЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ
ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**05.06.02 – Тўқимачилик материаллари технологияси ва
хомашёга дастлабки ишлов бериш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2020.3.PhD/Т1847 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.titli.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Исламбекова Нигора Муртозаевна техника фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Ханхаджаева Нилуфар Рахимовна техника фанлари доктори, профессор Рахимов Акмал Алишерович фалсафа доктори (PhD)
Етакчи ташкилот:	Ўзбекистон табиий тоъалар илмий-тадқиқот институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc 03/30.12.2019.Т.08.01 – рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил 10 декабрь соат 11³⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил:100100, Тошкент ш., Яккасарой тумани, Шохжаҳон кўчаси, 5-уй. Тел.:(+99871) 253-06-06, (+99871) 253-08-08, факс:(+99871)253-36-17; e-mail: titlp_info@edu.uz, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти маъмурий биноси, 221-хона).

Диссертация билан Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (156 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил:100100, Тошкент ш., Яккасарой тумани, Шохжаҳон кўчаси, 5-уй. Тел.:(+99871) 253-06-06, (+99871) 253-08-08.

Диссертация автореферати 2022 йил 25 ноябр куни тарқатилди.
(2022 йил 25 ноябрдаги 156- рақамли реестр баённомаси).



Х.Х.Камилова
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, т.ф.д. профессор

А.З.Маматов
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш илмий котиби, т.ф.д., профессор

Х.А.Бабаханова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси ўринбосари, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда тўқимачилик ва енгил саноат маҳсулотлари ассортиментининг турлари кенгайиб, етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда. Жаҳонда янги технологияларни қўллаш орқали хом ипак ва ундан тайёрланган маҳсулотларни ишлаб чиқариш, уларнинг сифатини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Ҳозирги кунда ипак гиламлари учун талаб ортиб бораётганлиги гилам маҳсулотларининг рақобатбардошлигини таъминловчи хомашё тайёрлаш технологиясини такомиллаштириш кераклигини тақазо этади. Ривожланган чет эл мамлакатларида, Япония, Хитой, Бразилия, Ҳиндистон, Жанубий Корея хом ипак ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш бўйича, Хитой, Эрон, Туркия эса гилам ва гилам маҳсулотларига хомашё тайёрлаш бўйича маълум ютуқларга эришилган бўлиб, уларда тўқимачилик саноати ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва маҳсулот рақобатбардошлигини таъминлаш учун технологик жараёнларни бошқариш усулларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда хом ипак ва эшилган ипларни ишлаб чиқаришда юқори самарадорликка эришиш, замонавий такомиллашган технологияларни янги илмий-техникавий ечимларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда, жумладан юқори чизиқий зичликдаги ипак ипларидан гилам маҳсулотларига хомашё тайёрлаш технологиясини ишлаб чиқиш ҳамда хом ипак ва эшилган ипак ипларни ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар устувор ҳисобланмоқда. Бу борада гилам маҳсулотлари учун ип тайёрлашдаги технологик жараёнларда юқори самарадорликни таъминлайдиган янги усулларини яратиш, гилам маҳсулотлари учун юқори чизиқий зичликдаги хом ипак ишлаб чиқариш, улардан эшилган ипларни шакллантиришдаги параметрларни ўрнатиш каби муаммоларни ечиш алоҳида аҳамият касб этади.

Республикамизда табиий ипак хомашёсини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш, ички ва ташқи бозорда ипакчилик саноатини модернизация қилиш орқали ипак гиламлари маҳсулотларини рақобатбардошлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида, иқтисодиёт тармоқларида барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш орқали келгуси беш йилда аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулотни —1,6 баравар ва 2030 йилга бориб аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадни 4 минг АҚШ долларидан ошириш ҳамда «даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар» қаторига кириш учун замин яратиш, тўқимачилик саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2 барабарга кўпайтириш энг муҳим вазифалардан бири деб белгилаб қўйилган.¹ Ушбу вазифаларни ҳал қилишда, жумладан юқори чизиқий

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги Фармони

зичликдаги ипак ипларидан гилам маҳсулотларига хомашё тайёрлаш технологиясини ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 майдаги ПФ-5989-сон «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида» ги Фармони, 2018 йил 12-январдаги ПҚ-3472 сон «Республикада ипакчилик тармоғини янада ривожлантириш чора-тадбирлари» тўғрисидаги, 2018 йил 4-декабрдаги ПҚ-4047 сон «Республикада пиллачилик тармоғини жадал ривожлантиришни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2018 йил 20 августдаги ПҚ-3910-сон «Республикада пиллачилик тармоғидаги мавжуд имкониятлардан янада самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги, 2020 йил 26 июндаги ПҚ-4759 сон «Республикада қўлда тўқилган гиламчилик соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари» тўғрисидаги Қарорлари ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги вақтда пиллани чувиб, сифатли хом ипак ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш, тайёр ипак гиламлари маҳсулотларини яратишда юқори талаб ва харидоргир бўлган янги ассортиментдаги ипак гиламлари учун хомашё тайёрлаш ва ишлаб чиқиш масалалари бўйича бир қатор олимлар: D. Zifut, Kristof De Ruyuk, Moxsen Miratba, В.Е. Гусев, А.Г. Kogan, I. Emmanuel ва бошқалар тадқиқотлар олиб борганлар.

Эшилган, аралаш, йиғирилган ва бошқа хусусиятлари яхшиланган иплар олиш учун ишлатиладиган хомашё таркибини тадқиқ қилиш, замонавий дастгоҳларда ип тайёрлаш жараёнини ташкил этиш учун назарий ва амалий асосни яратиш бўйича: В.А. Усенко, Г.К. Кукин, Э.Б. Рубинов, Р.З. Бурнашев, Х.А. Алимова, Р.М. Хаимова, М. Ниязалиев, Г.С. Поздняков, Ф.В. Зыкова, И.З. Бурнашев, Д.Б. Худойбердиева, Э.Х.Тожиев, З.И. Икрамов, О.А. Ахунбабаев, А.Э. Гуламов, Н.М. Исламбекова, Н.Н. Набижонова, Д.У. Арипджанова, Ш.Р. Файзуллаевлар каби бир қатор олимлар тадқиқотлар олиб борганлар ва бу соҳа илмининг ривожига муносиб ҳисса қўшганлар.

Лекин, ҳозиргача маълум бўлган адабиётларда юқори чизиқий зичликдаги ипак ипларидан гилам маҳсулотларига хомашё тайёрлаш технологиясини ишлаб чиқиш усуллари яратиш ва улардан тўқимачилик саноатида самарали фойдаланишга қаратилган илмий изланишлар етарли даражада олиб борилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг № 26/2021 « “TURAN SILK PRO” МЧЖ учун Гилам маҳсулотлари учун хом ипак ишлаб чиқариш» мавзусидаги хўжалик шартномаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади юқори чизиқий зичликдаги хом ипак олиш, гилам маҳсулотларига ипак ипларини тайёрлаш технологиясини ишлаб чиқиш ва олинган хомашё хусусиятларини тадқиқ қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

гилам маҳсулотлари олиш учун ишлатиладиган хомашё хусусиятларини аниқлаш дастурини тузиш;

юқори чизиқий зичликдаги хом ипак олиш қурилмасини ва чизиқий зичлигини ростлаш усулини ишлаб чиқиш ҳамда ишлаб чиқариш параметрларини ўрнатиш;

юқори чизиқий зичликдаги хом ипакнинг қалинлиги бўйича ўзгаришини ўрганиш ва эшилган ип ишлаб чиқариш параметрларини ўрнатиш;

гилам учун эшилган ипларни ишлаб чиқариш ва физик-механик хусусиятларини тадқиқ этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида пиллалардан чувилган юқори чизиқий зичликдаги хом ипак ва гилам маҳсулотлари учун тайёрланган эшилган иплар олинган.

Тадқиқотнинг предмети маҳаллий шароитда боқилган Наврўз-2, Наврўз-3 ва “Хитой” ипак курти дурагайи пиллалари, юқори чизиқий зичликдаги хом ипак олиш технологияси, ипакдан янги ассортиментдаги гилам маҳсулотлари учун хомашё тайёрлаш технологиялари, ҳамда бу жараёндаги услуб ва воситалар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида математик ҳисоблаш қоидалари, назарий механика қонуниятлари, статистик таҳлил, юқори чизиқий зичликдаги хом ипак олишни ундан эшилган ипларни ишлаб чиқаришга боғлиқлигини аниқлаш, тажрибаларни математик режалаштириш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

юқори чизиқий зичликдаги хом ипак олиш учун механик пилла чувиш дастгоҳини чувиш тозида илгич остига пиллаларни жамловчи ҳалқа, ҳамда ипни шакллантириш учун цилиндирсимон ўйикли чивик ўрнатиш орқали такомиллаштирилган;

олинган тажриба натижаларини қайта ишлаш асосида пилла ипининг умумий узунлигига, чувиш тезлигига боғлиқ ҳолда ипакнинг чизиқий зичлигини ростлаш усули ишлаб чиқилган ва пилла чувишга тайёрлашдаги технологик параметрлари ўрнатилган;

тажриба натижаларини қайта ишлаш асосида юқори чизиқий зичликдаги хом ипак қалинлигининг узунлиги бўйича нотекислигига боғлиқлик регрессион

моделлари олинган ва уларни таҳлиллари асосида эшилган ип ишлаб чиқариш параметрларининг рационал қийматлари аниқланган;

гилам ишлаб чиқаришда қўлланиладиган эшилган ипак ипини чизиқий зичлигини ипнинг бикрлик ва бурамлар сонига боғлиқлик регрессион моделлари кичик квадратлар усули ёрдамида қурилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

гилам маҳсулотлари олиш учун хомашё тайёрлаш технологияси яратилган, ишлаб чиқаришга жорий этилган;

янги ассортиментдаги хом ипак, эшилган ипак иплари намуналари олинган ва уларнинг физик-механик, технологик, эксплуатацион хусусиятлари аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, энг аввало, катта ҳажмдаги тажриба материалларининг статистикаси, назарий ва амалий тадқиқотларнинг натижаларини солиштириш, баҳолаш мезонларига кўра уларнинг мос келиши, синов натижаларини 5% (нисбий) аниқликка мос келиши.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти турли мавсумларда боқилган маҳаллий ва Хитой ипак қурти дурагай пиллаларидан фойдаланиб, чувиш дастгоҳида илгич тагидаги пиллалар сонини ва уларнинг чизиқий зичликларини назорат қилиш асосида юқори чизиқий зичликдаги хом ипак ишлаб чиқариш, ҳамда гилам маҳсулотлари учун эшилган ипларини ишлаб чиқаришни асосланган технологиясини яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотларнинг амалий аҳамияти гилам маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун хомашё тайёрлаш усуллари ва технологияларини такомиллаштириш асосида уларни жорий этиш натижасида сифатли юқори чизиқий зичликдаги хом ипак ва улардан эшилган ипларни олиб, рақобатбардош тайёр гилам маҳсулотларини ишлаб чиқаришга тавсия қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Юқори чизиқий зичликдаги ипак ипларидан гилам маҳсулотларига хомашё тайёрлаш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

юқори чизиқий зичликдаги хом ипак олиш усули ҳамда гилам маҳсулотларига эшилган ипак ипларини тайёрлаш технологияси “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси тасарруфидаги корхоналарда (“Ўзбекипаксаноат” уюшмасининг 2020 йил 6 августдаги 4-2/1531-сон маълумотномаси), хусусан “SURXON IPAGI” МЧЖда ишлаб чиқаришга жорий этилган. Натижада, Наврўз-3, Наврўз-4 ва Хитой дурагайи нуқсонли пиллаларига ишлов бериш орқали юқори чизиқий зичликдаги хом ипак ишлаб чиқарилиб чувалувчанлик ортиши, солиштирма сарфи камайиши ҳисобига сифатли хом ипак олишга эришилган;

гилам маҳсулотлари учун замонавий дастгоҳларда эшилган ипларни тайёрлашнинг технологик параметрлари “BUKHARA BRILLIANT SILK” ҚК ва “XORAZM IPAGI” МЧЖларда ишлаб чиқаришга тадбиқ этилган. Илмий тадқиқот натижасида сифатли юқори чизиқий зичликдаги хом ипак олиш янги

технологияси орқали иш унумдорлигини 15-20 % га ошириш имкони яратилган ва импорт ўрнини босувчи гилам маҳсулотлари учун эшилган ип ассортиментларини ишлаб чиқаришга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 5 та республика миқёсидаги илмий-техник ва илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик (PhD) диссертацияси асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 17 та мақола нашр этилган, шундан 11 та мақола чет элда чоп этилиб, 2 та дастур учун гувоҳнома олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 117 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати акс эттирилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқот ишининг республика фан ва технологиялари ривожланишнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгиликлари ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ипак ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш бўйича адабиётларда келтирилган тадқиқотлар натижаларининг таҳлили**» деб номланган биринчи бобида ипак ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш тармоқларининг ҳолати ва ривож, хом ипак ишлаб чиқариш технологияси, эшилган ипак ишлаб чиқариш ва уларни ассортиментни, гилам маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва уларнинг таснифи, гилам маҳсулотлари хомашёси ва унга қўйилган талаблар бўйича илмий тадқиқот ишлари таҳлил қилинган.

Тўқимачилик технологиясига оид журналлар, мақолалар, илмий тўпламлар, монографиялар, диссертациялар, илмий ва ўқув адабиётларидан фойдаланилган. Шунингдек, соҳага оид интернет маълумотлари ҳам ўрганилган.

Юқори бўлмаган (1,55 ва 1,89 текс) чизиқий зичликдаги хом ипаклар катта миқдорда ишлаб чиқарилмайди ва улар техник матолар ишлаб чиқариш учун қўлланилади. Ўрта чизиқий зичликдаги хом ипаклар (2,33 ва 3,23 текс) хизмат кўрсатиш матолари учун қўлланилади ва улар умумий улушнинг 80 % ини ташкил қилади. Шунини таъкидлаш жоизки, гилам ва гилам маҳсулотлари ҳам, асосан ўрта чизиқий зичликдаги хом ипакдан яъни 2,33 ва 3,23 тексли хом ипаклардан бир неча бора бўла бериш орқали гиламчилик учун эшилган ипаклар тайёрлаб олинмоқда.

Ипак гиламларини тўқишда юқори тексли эшилган иплар керак бўлади. Замонавий қўшиш машиналари 8 тагача ипни қўшади. Бунда агар ип 3,23 текс бўлса, қўшилиш натижасида 25 текс ҳосил бўлади. Демак, бу жараён 2 марта такрорлагандан кейингина гилам учун керак бўладиган арқоқ, танда, тук ва мустаҳкамловчи иплар тайёрлаб олинади. Гилам ва гилам маҳсулотларининг сифати нафақат гилам тури ёки тузилишига, балки унда ишлатиладиган хомашёларнинг турларига ҳам боғлиқ эканлиги ўрганилмаган. Таҳлил натижаси ипак гиламлари учун хомашёлар сифатида 145-240 тексли эшилган иплар ишлатилишини кўрсатди, бундай ипларни тайёрлаш технологияси бизнинг мамлакатимизда мавжуд эмас. Шу сабабли ҳам юқори чизиқий зичликдаги хом ипак олиш технологиясини ишлаб чиқиш орқали бу муаммоларни ечиш, ҳамда гилам маҳсулотлари учун хомашё тайёрлаш мумкин эканлиги белгилаб олинди.

Диссертациянинг **“Тадқиқот объекти ва пиллардан юқори чизиқий зичликдаги хом ипак ишлаб чиқариш усули”** деб номланган иккинчи бобда пилла қобиғи ва ипининг хусусиятларини аниқлаш, чувишга яроқли нуқсонли пиллалардан юқори чизиқий зичликдаги хом ипак олиш усули, такомиллаштирилган механик пилла чувиш дастгоҳида юқори чизиқий зичликдаги ипнинг таранглик кучини назарий ҳисоблаш, пилла дастасини даврий тўлдириш усулидан фойдаланиб, чизиқий зичликни ростлаш таҳлили, юқори чизиқий зичликдаги хом ипакнинг сифат кўрсаткичларининг ўзгариши, юқори чизиқий зичликдаги хом ипакнинг йўғонлиги бўйича ўзгариш (коррелограммаси) диаграммаси таҳлил қилинган.

Хом ипак чиқишига таъсир этувчи омиллардан бири, бу пилла қобиғи хусусиятлари бўлиб, албатта уларни текшириб олмасдан ишни бошлаш хатолик ҳисобланади. Технологик харитани тузишда ҳам бу маълумотлар керак бўлади. Худди шундай пилла ипи хусусиятларини ўрганмасдан туриб, хом ипакни шакллантириб бўлмайди. Бундай текширувларни ўтказмаслик хом ипак сифатини бузилишига ва таннархни пасайишига олиб келади. Лекин бундай пилла чувишдан олдин ўтказиладиган тадқиқотлар узок муддатли бўлиб, кўп вақт талаб этади.

Шундан келиб чиққан ҳолда пилла ва ипи хусусиятларини аниқлаш дастурини яратиш мақсадида ишлар амалга оширилди. Пиллани вазни, геометрик ўлчамлари ва қаттиқлигини аниқлашдаги индикатор кўрсаткичини киритиш орқали, пилланинг калибри, шакли, ҳажми, юзаси, ипакдорлиги ва қаттиқлигини топиш бўйича пилла қобиғи хусусиятларини аниқлаб берувчи дастур яратилди. Бу дастур тадқиқ қилинаётган пилла қобиғи хусусиятлари бўйича умумий хулоса қилиш имкониятларини яратади.


Шу билан бирга пилладан ажратилган пилла ипи калавачалари ва қолган таркибий қисмлари вазнини бериш орқали уларнинг миқдори, ипакдорлиги, узлуксиз чувалувчан узунлиги, чувалувчанлиги, пилланинг солиштира сарфини топиш ва пилла ипининг чизиқий зичлиги, битта пилла ипи ва пиллалар орасидаги абсолют нотекислик ва вариация коэффицентини ҳисоблаш дастури яратилди. Пилла ипларининг чизиқий зичлиги ва улардаги

нотекисликларни ҳисоблаш орқали чувиш даврида дастадаги янги ва эски пиллалар аралашмасини ўрнатиш ва сифатли хом ипак ишлаб чиқаришни олдиндан аниқлаш имкониятларини беради.


Юқори чизиқий зичликдаги хом ипак олиш дастгоҳини ишлаб чиқаришдан мақсад чувиш даврида хом ипакдаги ортиқча намликни чирмовлаш жараёни осон усул билан бартараф қилиб, ипни шакллантириш, гилам маҳсулотлари учун юқори чизиқий зичликдаги хомашёни тайёрлаб беришдан иборат. Шунинг ҳисобига гилам учун ип тайёрлашдаги технологик жараёнлар қисқаради.

Фақат кичик чизиқий зичликдаги (асосан 2,33 ва 3,23 текс) хом ипак олишга мўлжалланган КМС-10-ВУ дастгоҳида юқори чизиқий зичликдаги хом ипакни олишда чирмов ҳосил қилиш учун ўрнатилган блочоклар ўрнига диаметри 20 мм ли цилиндрсимон чивик ўрнатилган. Цилиндрсимон чивикда ҳар бир илгичдан чиқаётган ип учун чуқурлиги 5 мм бўлган тўрттадан ўйиқ ҳосил қилинган. Ўйиқлар чуқурлиги 5 мм, 70° бурчак остида ички ўйиғи 39° га тенг. Ип шу спираль ўйиқлардан айланиб ўтиб, суви сиқилиб, жипслашиб, тахлагич планкаси кўзчаси орқали чархга ўралади. Шу билан бирга илгич остидаги пиллаларни бир жойга жамлаш, ҳамда тўсиқ вазифасини ўтовчи диаметри 180 мм ли баландлиги 70 мм, қалинлиги 3 мм бўлган пластмасс ҳалқадан фойдаланилди. Чувиш тозига ташланган чегараловчи ҳалқа бошқа илгич остидаги пиллаларга кўшилиб кетмаслигини, дастага ташланаётган пиллаларни назорат қилишни таъминлайди. Олинаётган юқори чизиқий зичликдаги хом ипак йўғонлигини ростлашда пилла дастасини даврий ростлаш усулидан фойдаланилди.

Спирал шаклида ўйиқлари бор 20 мм диаметрли цилиндрсимон чивик эса ипнинг сувини сиқувчи, жипслаштирувчи ва йўналтирувчи вазифасини бажаради (1-расм).



а) ёнидан кўриниши.




б) олдиан кўриниши

1-Расм. Юқори чизиқий зичликдаги хом ипак олиш дастгоҳи.

1) буғлаш қозони, 2) четка, 3) чувиш този, 4) чегараловчи ҳалқа, 5) илгич, 6) ўйиқли цилиндрсимон чивик, 7) йўналтирувчи ролик, 8) тахлагич, 9) чарх, 10) пиллалар дастаси.

Юқори чизиқий зичликдаги хом ипакни олиш қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилади (2-расм).



2-Расм. Юқори чизиқий зичликдаги хом ипак олиш бўйича технологик жараёнлар кетма-кетлиги

1-жадвал

КМС-10 ВУ механик дастгоҳининг техник тавсифи

№	Кўрсаткичлар	Мавжуд	Такомиллашган
1	Пилла чувиш усули	Ярим чўккан ҳолда	Ярим чўккан ҳолда
2	Хом ипак чизиқий зичлиги, текс	2,33 ва 3,23	20, 30 ва 40
3	Дастгоҳ эни, <i>mm</i>	1050	1050
4	Қозонлар орасидаги масофа узунлиги, <i>mm</i>	1100	1100
5	Битта тоздаги илгичлар сони	10	4
6	Илгичлар орасидаги масофа	85	180
7	Чувилаётган пилла ва илгич орасидаги масофа, <i>mm</i>	100	100
8	Илгич ва йўналтирувчи ролик ёки цилиндрсимон чивик орасидаги масофа, <i>mm</i>	95	180
9	Чирмовлаш узунлиги, <i>mm</i>	130	-
10	Дастгоҳни полдан баландлиги, <i>mm</i>	770	770
11	Қуриш шкафининг габарит ўлчамлари, <i>mm</i>		
	эни	700	700
	баландлиги	1760	1760
	узунлиги	1100	1100
12	Шкафдаги чархлар сони (1 та тозда)	4	4
13	Чархнинг периметри, <i>mm</i>	1500	1500
14	Илгичларнинг айланиш частотаси, c^{-1}	5	5
15	1 та тозга сарфланадиган электроэнергия, Вт/с	75	75
16	Сув буғ	24-26	24-26

Юқори чизиқий зичликдаги хом ипакни олишда чувиш дастгоҳи куйидаги тартибда ишлайди: 300-500 г пиллалар буғлаш қозонида буғланиб, шетка ёрдамида пилла лосидан ажратилиб, сўнг овал тозда пиллаларнинг якка учи топилади ва чувиш тозига узатилади. Учли пиллалар чувиш тозида эркин ҳолда сувда турган ҳалқанинг ичига керакли чизиқий зичлик учун пиллалар жойланиб, илгич кўзидан ўтказилади. Сўнг йўналтирувчи блячоклар ўрнига ўрнатилган чувиш този узунлигига тенг ўйилган цилиндрсимон чивикдан тўрт марта айлантириб, тахлагич планкаси кўзчаси орқали олти бурчакли чархга йиғилади

Тадқиқот ишида илгичдан чархгача йўналишидаги ипнинг намлиги ва таранглиги аниқланди.

2-жадвал

Юқори чизиқий зичликдаги ипакнинг чархга ўралиш таранглиги ва намлигини аниқлаш

Қисмлар	Базавий усул	Таклиф этилаётган усул
Илгичдан чиққандан кейинги таранглик, <i>cN</i>	23	18
Илгичдан чиққандан кейинги намлик, %	220	220
Чирмовдан кейинги таранглик, <i>cN</i> . 120 <i>mm</i> узунликда	34	-
Цилиндрсимон ўйикли чивикдан айланиб ўтгандан кейинги таранглик, <i>cN</i>	-	29
Чархга кираётган вақтдаги таранглик, <i>cN</i>	38	31
Чирмовдан чиққандан кейинги намлик, %	120	-
Цилиндрсимон ўйикли чивикдан чиққандан кейинги намлик, %	-	100

Олинган натижалар шуни кўрсатдики, илгичдан чиққандан кейинги таранглик 23 *cN* ни ташкил қилган бўлса, таклиф этилаётган усулда эса 18 *cN* ни ташкил қилди. Дастлабки намлик эса иккала ҳолатда ҳам 220 % ни ташкил қилди. Чирмовдан кейинги таранглик 34 *cN* ни ташкил қилган бўлса, цилиндрсимон ўйикли чивикдан айланиб ўтгандан кейинги таранглик 29 *cN* ни ташкил қилди. Чирмовдан чиққандан кейинги намлик 120 % ни, цилиндрсимон ўйикли чивикдан чиққандан кейинги намлик эса 100 % ни ташкил этди.

Маълумки, анъанавий усулда пиллалар чувилганда иплар бир бирига чирмаштириб, сўнг йўналтиргичлар орқали тахлагич пиланкаси кўзчасидан ўтказиб, чархга шаклланган хом ипак йиғилади. Чирмовлаш натижасида

эришиладиган сувини сиқилишига биз ўйикли цилиндрсимон чивик орқали эришдик. Тақиқот ишида энди чирмовлашни яна бир вазифаси бўлган ипнинг жипслашишига янги усулнинг таъсирини ўргандик.

3-жадвал

Пилла ипларининг жипслигини янги усулнинг таъсири


Дурагайлар	Чизиқий зичлик, <i>tex</i>	Жипслик, каретка, юриш сони
Наврўз-2	20,0	160
	30,0	189
	40,0	220
Наврўз-3	20,0	168
	30,0	196
	40,0	234
Хитой	20,0	154
	30,0	176
	40,0	214
Хитой элита	20,0	161
	30,0	190
	40,0	226

Юқори чизиқий зичликдаги хом ипакни олиш дастгоҳида ипдаги сувнинг сиқилиши ва ипнинг шаклланиши бўйича олинган натижалар шуни кўрсатдики, хом ипакдаги намлик 20 % га туширилди, барча дурагай ва чизиқий зичликдаги хом ипакнинг боғланувчанлиги 150 каретка юриш сонидан кам бўлмади.

Такомиллаштирилган механик пилла чувиш дастгоҳида юқори чизиқий зичликдаги ипнинг таранглик кучини назарий ҳисобланди. Цилиндрсимон ўйикли чивикдан ипнинг ҳаракатини дастлабки таранглиги ва тезлигига боғлиқ тенгламасини аниқлашда M нуктанинг қўзғалувчан $o_1 x_1 y_1 z_1$ координаталар системасига нисбатан ҳаракати нисбий ҳаракат: ϑ_r -нисбий тезлик, ω_r - нисбий тезланиш M нуктанинг қўзғалувчан $o_1 x_1 y_1 z_1$ координаталар системасига нисбатан берилган онда фикран қўзғалмас деб қараб, Охуз координаталар системасига нисбатан кўчирма ҳаракат: ϑ_e -кўчирма тезлик, ω_e - кўчирма тезланиш M нуктанинг қўзғалмас $o x y z$ координаталари системасига нисбатан абсолют ҳаракат. ϑ_a - абсолют тезлик, ω_a - абсолют тезланиш $\vartheta = \omega * \tau = \frac{d\varphi}{dt} * \tau$ ипнинг қамрашдаги чизиқли тезлиги, α – қамров бурчаги $\alpha = 0 \div 2\pi$ тенг бўлади.

Қуйидаги формулалар асосида ипнинг таранглик кучи ҳисоблаймиз.

$$\frac{d\vec{T}}{dx} + \vec{T} = \mu v_r \vec{e}_1 + \mu \frac{v_r^2}{p} \vec{e}_2 + \mu \vec{W}_e + \mu \vec{W}_c \quad 2.8$$



3-Расм. Цилиндрсимон ўйиқли чивикда ипнинг ҳаракатланиши

Ипнинг чизиқий зичлиги 30 текс, контур ҳаракати тезлиги эса 100 м/мин бўлсин. Бир текис ҳаракатланаётган ипнинг дастлабки учининг T таранглиги ва айлана ёйи бўйлаб ип ўралганида, унинг ҳаракатланаётган учининг T_0 ўртасидаги нисбат қуйидаги кўринишга эга.

$$T = (T_0 - \mu v^2)e^{k\alpha} + \mu v^2$$

ёки

$$T = T_0 e^{k\alpha} - \mu v^2 (e^{k\alpha} - 1) \quad 2.17$$

Бунда, r радиусли цилиндрсимон чивикдан ўтувчи ва ипга таъсир қилувчи нормал реакция кучи қуйидагича аниқланади

$$N = \frac{T_0 - \mu v^2}{\mu r} e^{k\alpha} \quad 2.18$$

Ипнинг дастлабки ҳаракатини кўриб чиқамиз, яъни $v = 0$ бўлганда,

$$\frac{dv}{dt} = W_r \neq 0$$

Винт қадами $h = 0.01$ м. Цилиндр радиуси $R = 0.02$ м, ўралиш тезлиши $v_0 = 90$ м/мин = 1.5 м/с. Цилиндрнинг бурчак тезлиги $w = v_0 / R = 75$ с⁻¹ ип нуқталаридаги абсолют тезлик $v_a = \sqrt{v_0^2 + (hw/2\pi)^2} = 1.505$ м/с

Ҳар бир винт қадамидан кейинги таранглик учун ҳисоблаш формулалари

$$T_1 = T_0 \exp(f\alpha) - \mu v_0^2 [(\exp(f\alpha) - 1)] \quad T_2 = T_1 \exp(f\alpha) - \mu v_0^2 [(\exp(f\alpha) - 1)]$$

$$T_3 = T_2 \exp(f\alpha) - \mu v_0^2 [(\exp(f\alpha) - 1)] \quad T_4 = T_3 \exp(f\alpha) - \mu v_0^2 [(\exp(f\alpha) - 1)]$$

$f = 0.01 \quad f = 0.025 \quad f = 0.04$


4-жадвал

Винт қисмларида ип таранглигининг ишқаланиш коэффициентига боғлиқлиги $f = 0.04$

f	0.005	0.01	0.015	0.02	0.025	0.03	0.035	0.04
T_1 (сН)	16.5	17.03	17.60	18.14	18.72	19.31	19.91	20.57
T_2 (сН)	17.03	18.14	19.31	20.56	21.90	23.31	24.83	26.44
T_3 (сН)	17.58	19.31	21.22	23.32	25.62	28.15	30.93	34.00
T_4 (сН)	18.13	20.56	23.32	26.44	30.00	34.00	38.53	43.70

Жадвал натижаларининг таҳлилидан, винт ўйиқларида ишқаланиш коэффициентини ошган сари таранглик ошади. Бундай ошиш биринчи секцияда деярли юқори эмас. Энг юқори ошиш ипнинг охириги ўйиқдан ўтишида ҳосил бўлади.

Винтнинг охириги қадами $f = 0.04$ учун олинган графиклар



4-Расм. Цилиндрсимон ўйиқдан ипларни ишқаланиш коэффициентини

Ишқаланиш коэффициентини f турли қийматлари ($T_0 = 1cN$ бўлганда) учун тарангликнинг T_i тезликка v_0 боғлиқлиги графиклар таҳлилидан, Шербаков формуласига кўра, винтнинг чизиқли тезлиги $h\omega/2\pi$ ипнинг ўралиш тезлиги

v_0 дан анча кичик бўлганлиги сабабли ипнинг таранлигига унинг винт бўйлаб абсолют тезлигига таъсир этмаслигини кузатиш мумкин. Бундай таъсир винтнинг юқори даражадаги айланиш тезлигида ҳосил бўлиши мумкин.

Юқори чизиқий зичликдаги хом ипакни олишда чизиқий зичлигини ростлаш учун дастани даврий равишда тўлдириш усулини қўллаш орқали,

компенсациялаш даврини тезлик ва чизиқий зичлика боғлаган ҳолда 70-90 m/min оралиғида 20 ва 40 текс ипларни ишлаб чиқариш мумкинлиги аниқланди.

Чизиқий зичлиги ортиши билан узилиш кучи ортиши, солиштирма узилиш камайиши, хом ипакни узилишдаги узайиши ва узилишдаги бажарган иши ортиши кузатилиб, нуқсонлар бўйича тозалиги бир хил бўлиб, нотекисликлари камайгани аниқланди.

Корреляция коэффициентининг хатолиги ўзгариши $r(x) \cong 0$ атрофида бўлиб, хом ипакнинг қалинлиги бўйича нотекислиги даврий ёки чизиқли бўлмаган тасодифийликка тўғри келади.

Диссертациянинг “**Юқори чизиқий зичликдаги хом ипакдан эшилган ип ишлаб чиқариш усули**” деб номланган учинчи бобида хом ипакни эшишга тайёрлаш жараёнларида технологик параметрларини ўрнатиш ва эшилган ип тайёрлаш, гилам ишлаб чиқариш учун эшилган ипларни қайнатиш параметрларини ўрнатиш, юқори чизиқий зичликдаги хом ипакни эшиш орқали олинган ипларнинг физик-механик хоссаларининг ўзгариши тадқиқоти, гилам ишлаб чиқаришда қўлланиладиган юқори чизиқий зичликдаги эшилган ипакни узилиш кўрсаткичларини статик қайта ишлаш, юқори чизиқий зичликдаги хом ипакни эшиш орқали олинган ипларнинг сифат кўрсаткичлари бўйича корреляция коэффициенти ва унинг хатолигини ҳисоблаш, юқори чизиқий зичликдаги хом ипак олиш технологияси ва гилам маҳсулотлари учун эшилган ипак иплари тайёрлашдан олинган иқтисодий самарадорлик ҳисобланди.

Хом ипакни қайта ўрашга тайёрлаш жараёнлари тадқиқ этилиб, юқори чизиқий зичликдаги хом ипакни эмульсиялаш параметрлари ўрнатилди. Ишлов бериш натижаларига кўра узуклар камайишига ва тезликни $380 m/min^{-1}$ кўтариш имкониятига эришилди.

Юқори чизиқий зичликдаги хом ипакдан олинган эшилган ипнинг узилиш кўрсаткичлари статик қайта ишланиб, узилиш кучини маълум интервалида бурамлар сони билан унинг чизиқли зичлиги орасидаги чизиқли боғланишлар борлиги кузатилди. Ипнинг қисқаришини энг катта қиймати учун регрессион боғланиши ўринли бўлиши учун ипнинг узилиш кучининг энг кичик қиймати 3370,7 cH дан кам бўлмаслиги ва энг катта қиймати 4740,18 cH дан ошмаслиги лозимлиги ва интервал оралиғи 5,48 cH га тенг бўлиши аниқланди.

Тадқиқотлар орқали юқори чизиқий зичликдаги хом ипакка бурам беришда янги машиналардан фойдаланиш имкониятлари очилди, ҳамда 145 дан 225 тексли эшилган ипак иплари олинди. Бу олинган эшилган ипак ипларини гилам маҳсулотлари учун хомашё сифатида ишлатишга тавсия этилди. VTS -07-08-09 машинасида бурам бериш параметрлари ўрнатилди (5-жадвалда келтирилган).

**Гилам маҳсулотлари учун эшилган ип ишлаб чиқариш параметрлари
(VTS -07-08-09 машинаси бўйича)**

Кўрсаткичлар	Базавий параметрлар	Ўрнатилган параметрлар			Узуклар сони
		20x8	30x6	40x6	
Танда ипи					
Урчуқлар айланиш сони, $айл/мин^{-1}$	4000-10000	4000	5000	5000	-
Бурамлар сони, $бр/м$	100-900	300	300	300	-
		400	400	400	-
		500	500	500	5
Тезлиги, $м/мин$	5-33,3	13	16,6	16,6	-
		10	12,5	12,5	-
		8	10	10	
Урчуқлар сони	144	144	144	144	-
Арқоқ ипи					
Кўрсаткичлар	Базавий параметрлар	Ўрнатилган параметрлар			-
		20x6	30x5	40x5	
Урчуқлар айланиш сони, $айл/мин^{-1}$	4000-10000	5000	5500	6000	-
Бурамлар сони, $бр/м$	100-900	250	250	250	-
		300	300	300	-
		350	350	350	6
Тезлиги, $м/мин$	5-33,3	20	22	24	-
		16,6	18,3	20	-
		14,2	15,7	17,1	
Урчуқлар сони	144	144	144	144	-
Тук ипи					
Кўрсаткичлар	Базавий параметрлар	Ўрнатилган параметрлар			-
		20x6	30x5	40x5	
Урчуқлар айланиш сони, $айл/мин^{-1}$	4000-10000	6000	6000	6000	-
Бурамлар сони, $бр/м$	100-900	200	200	200	-
		250	250	250	-
		300	300	300	5
Тезлиги, $м/мин$	5-33,3	30	30	30	-
		24	24	24	-
		20	20	20	
Урчуқлар сони	144	144	144	144	-
Мустаҳкамловчи ипи					
Кўрсаткичлар	Базавий параметрлар	Ўрнатилган параметрлар			-
		20x6	30x5	40x5	
Урчуқлар айланиш сони, $айл/мин^{-1}$	4000-10000	6000	6000	6000	-
Бурамлар сони, $бр/м$	100-900	500	500	500	-
		600	600	600	-
		700	700	700	8
Тезлиги, $м/мин$	5-33,3	12,0	12,0	12,0	-
		10,0	10,0	10,0	-
		8,5	8,5	8,5	
Урчуқлар сони	144	144	144	144	-

Тадқиқот ишимизда ишлаб чиқарилган юқори чизиқий зичликдаги хом ипақдан гилам учун эшилган ип ишлаб чиқариш жараёнлари кетма- кетлиги ишлаб чиқилди.

Эски ва янги юқори чизиқий зичликдаги хом ипақни эшишдаги технологик жараёнлар кетма-кетлиги



Юқори чизиқий зичликдаги хом ипақни ишлаб чиқариш орқали, гилам учун ип тайёрлашда эски усулга нисбатан 3 та жараён қисқарди. Асосан, керакли йўғонликдаги ипларни қўшиш жараёнлари қисқарди. Шу билан бирга янги машиналар ипақ эшиш жараёнига киритилиб, эшиш параметрлари танда, арқоқ, тук ва мустаҳкамловчи иплар учун ўрнатилди.

Эшилган ипларни елимсизлантириш учун эмульсия таклиф этилиб, ипнинг хоссаларига таъсири аниқланди.

6- жадвал

Эшилган ипақ ипларини ювилишдан кейинги физик–механик хоссалари

Кўрсаткичлар	Танда	Арқоқ	Тук	Мустаҳкамловчи
Чизиқли зичлиги, <i>tex</i>	240/216*	180/155	160/145	60/50
Бурамлар сони, <i>br/m</i>	400	300	250	600
Узилиш кучи, <i>cH</i>	5918/5843	5699/4690	2830/2414	1314/1065
Нисбий пишиқлиги, <i>cH/tex</i>	24,65/27,05	31/30	17,6/16,6	21,9/21,3
Узилишгача чўзилиши, %	8/10	8/10	8/10	8/10
Ювилгандан кейинги киришиши, %	2	2	2	2

*суьратда ювилишдан олдинги кўрсаткич, махражда ювилишдан кейинги кўрсаткич.

Таклиф этилган эмульсия билан ювилгандан сўнг, ипнинг узилиш кучи, чўзилиши, нисбий пишиқлиги пасайгани йўқ.

Тадқиқот натижалари бўйича эшилган ипдаги серицин миқдорини камайтиришда қайнатиш 94 – 95 °C да 28 – 30 мин давомида, сода – 0,5 % ва совун – 1,2 % ли эритма бўлган рационал режим тавсия қилинди.

Юқори чизиқий зичликдаги хом ипакдан танда, арқоқ, тук учун эшилган ипнинг сифат кўрсаткичлари аниқланди (7-жадвал).

7-жадвал

Юқори чизиқий зичликдаги хом ипакдан олинган эшилган ипнинг сифат кўрсаткичларининг ўзгариши

т/р	Кўрсаткичлар	Танда		Арқоқ		Тук	
		Корхона	Тажриба	Корхона	Тажриба	Корхона	Тажриба
1	Эшилган ипакнинг чизиқий зичлиги, teks	216	216	155	155	145	145
2.	Эшилган ипнинг чизиқий зичлиги бўйича вариация коэффициенти, %	4,61	3,03	5,28	3,07	5,79	3,29
3.	Эшилган ипнинг бурамлар сони, br/m	400	400	300	300	250	250
4.	Эшилган ипнинг бурамлар сони бўйича вариация коэффициенти, %	1,7	1,5	1,5	1,4	2,16	1,97
5.	Эшилган ипнинг узилиш кучи, cN	5469,62	5870,91	4279,49	4690,26	2198,57	2414
6.	Эшилган ипнинг узилиш кучи бўйича вариация коэффициенти, %	11,0	9,71	10,98	10,35	11,95	10,22
7.	Эшилган ипнинг солиштирама узилиш кучи, cN/teks	25,32	27,96	27,60	30,26	15,16	16,65
8.	Эшилган ипнинг узилишдаги узайиши, %	17,0	13,11	17,62	14,11	19,21	15,8
9.	Эшилган ипнинг узилишдаги узайиши бўйича вариация коэффициенти, %	12,11	9,71	11,64	9,71	10,28	8,90
10.	Эшилган ипнинг узилишдаги бажарган иши, cN·cm	25627,33	23449,54	14962,64	15149,78	20643,12	21006,12
11	Эшилган ипнинг узилишдаги бажарган иши бўйича вариация коэффициенти, %	7,99	7,37	6,28	5,46	7,85	6,67

Юқори чизиқий зичликдаги хом ипакдан олинган эшилган ипларнинг узилиш кучи, узилиш кучи бўйича вариация коэффициенти, солиштирама узилиш кучи, узилишдаги узайиши, узилишдаги узайиши бўйича вариация коэффициенти, узилишда бажарган иши, узишда бажарган иши бўйича вариация коэффициентининг ўзгариши ўрганилди.

Олиб борилган тадқиқот натижалари бўйича корреляцион боғланиш ва корреляция коэффициентиининг ишончлилиги $r = -0,18$ га тенг, демак

текширилаётган натижалар орасидаги корреляцион боғланиш $r < 0,5$ дан ҳам паст кучли тескари боғланишда эканлигини, ҳамда ҳисоблар тўғри

бажарилганлигини $\frac{r}{m_r} \leq 3$ мезонга кўра, экспериментал ишончилилик чегарасида

эканлигини тасдиқлаш мумкин. Юқори чизиқий зичликдаги хом ипакни эшиш орқали олинган ипларнинг сифат кўрсаткичлари бўйича корреляция коэффициенти ва унинг хатоликлари ҳисобланди.

Шунда корхонадан олинган хомашёлар, яъни кичик чизиқий зичликдаги хом ипакдан олинган эшилган ипак иплари, тажриба сифатида ишлаб чиқарилган юқори чизиқий зичликдаги хом ипакдан олинган эшилган ип сифат кўрсаткичи юқори бўлиб, танда учун 350-400 *br/m*, арқоқ учун 250-300 *br/m*, тук учун 200-250 *br/m*, мустаҳкамловчи учун 550-600 *br/m* тавсия этилди.

ХУЛОСА

1. Республикада, асосан, 2,33 ва 3,23 тексдаги хом ипак ишлаб чиқарилиб, умумий улушнинг 80 % ни ташкил қилиши ва улардан ипак гиламлари учун 145 тексдан юқори бўлган чизиқий зичликдаги эшилган ипак олиш учун бир неча технологик жараёнлар бажарилиши, бу эса кўп вақт ва сарф ҳаражатни ошишига сабаб бўлиши аниқланди.

2. Пилла қобиғи хусусиятларини таҳлил қилишда ва сифатли хом ипак ишлаб чиқаришни олдиндан аниқлаш имкониятини берадиган ЭХМ дастурлари яратилди. Гилам маҳсулотлари ишлаб чиқаришда қўлланиладиган толалар хоссалари ўрганилди.

3. Юқори чизиқий зичликдаги хом ипак олиш учун механик пилла чувиш дастгоҳи такомиллаштирилди. Хом ипакнинг чизиқий зичлигини ростлаш усули ишлаб чиқилди.

4. Такومиллаштирилган механик дастгоҳида юқори чизиқий зичликдаги ипнинг таранглик кучи назарий ҳисобланиб, график таҳлилларидан Шербаков формуласига кўра, винтнинг чизиқли тезлиги $h\omega/2\pi$ ипнинг ўралиш тезлиги v_0 дан анча кичик бўлганлиги сабабли ипнинг таранлигига унинг винт бўйлаб абсолют тезлигига таъсир этмаслиги аниқланди. Юқори чизиқий зичликдаги хом ипакнинг сифат кўрсаткичларини ўрганиш натижасида, чизиқий зичлик ортиши билан узилиш кучи ортиб, солиштирма узилиш кучи камайиши, нуқсонлар бўйича тозаллиги яхшиланиб, нотекисликлар камайгани аниқланди.

5. Юқори чизиқий зичликдаги хом ипакнинг йўғонлиги бўйича ўзгариш диаграммаси таҳлил қилиниб, корреляция коэффицентининг хатолиги ўзгариши $r(x) \cong 0$ атрофида бўлганлиги учун хом ипакнинг йўғонлиги бўйича нотекислиги даврий ёки чизиқли бўлмаган тасодифийликка тўғри келиши аниқланди.

6. Юқори чизиқий зичликдаги хом ипакни эшиш технологик жараёнлари кетма-кетлиги таклиф этилди. Эски усулга нисбатан 3 та жараён қисқартирилди. Эшилган ипнинг узилиш кўрсаткичлари статик қайта ишланиб, узилиш кучини маълум интервалида бурамлар сони билан унинг чизиқли зичлиги орасидаги чизиқли боғланишлар борлиги кузатилди. Ипнинг қисқаришини энг катта қиймати учун регрессион боғланиш ўринли бўлиши учун ипнинг узилиш кучининг энг кичик қиймати 3370,7 cH дан кам бўлмаслиги ва энг катта қиймати 4740,18 cH дан ошмаслиги лозимлиги ва интервал оралиғи 5,48 cH га тенг бўлиши аниқланди.

7. Юқори чизиқий зичликдаги хом ипак олиш технологияси ва гилам маҳсулотлари учун эшилган ипак иплари тайёрлашда олинадиган иқтисодий самарадорлик 100 кг хом ипакни гилам маҳсулотлари учун эшишдан фойда 15228100 сўмни ташкил этади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Т.08.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ
ТЕКСТИЛЬНОЙ И ЛЕГКОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ТЕКСТИЛЬНОЙ И ЛЕГКОЙ
ПРОМЫШЛЕННОСТИ**

ХАЙДАРОВ САНЪАТ СУННАТОВИЧ

**РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИИ ПОДГОТОВКИ СЫРЬЯ ИЗ
ШЕЛКОВЫХ НИТЕЙ ВЫСОКОЙ ЛИНЕЙНОЙ ПЛОТНОСТИ ДЛЯ
КОВРОВЫХ ИЗДЕЛИЙ**

**05.06.02 – Технология текстильных материалов и первичная обработка
сырья**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2020.3.PhD/T1847

Диссертация выполнена в Ташкентском институте текстильной и легкой промышленности.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.titli.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziynet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: **Исламбекова Нигора Муртозаевна**
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Ханхаджаева Нилуфар Рахимовна**
доктор технических наук, профессор

Рахимов Акмал Алишеревич
доктор философии (PhD)

Ведущая организация: **Узбекский научно-исследовательский институт натуральных волокон**

Защита диссертации состоится 10 декабря 2022 года в 11³⁰ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.T.08.01 при Ташкентском институте текстильной и легкой промышленности (Адрес: 100100, г. Ташкент, ул. Шохжахон-5 в административном здании Ташкентского института текстильной и легкой промышленности, 221-я аудитория, тел.: (+99871) 253-06-06, (+99871) 253-08-08, факс: (+99871) 253-36-17; e-mail: titlp_info@edu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института текстильной и легкой промышленности (зарегистрирована за №156). Адрес:100100, г.Ташкент, ул. Шохжахон, 5, тел.: (+99871) 253-06-06, (+99871) 253-08-08.

Автореферат диссертации разослан 25 ноября 2022 года.
(реестр протокола рассылки № 156 от 25 ноября 2022 года).



Х.Х.Камилова
Председатель Научного совета
по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

А.З.Маматов
Ученый секретарь Научного совета
по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

Х.А.Бабаханова
Председатель Научного семинара при научном совете
по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире ассортимент продукции текстильной и легкой промышленности расширяется и занимает одно из ведущих мест. На мировом уровне большое внимание уделяется производству шелка-сырца и изделий из него, повышению их качества за счет использования новых технологий. В настоящее время в связи с возрастающим спросом на шелковые ковры необходимо совершенствовать технологию подготовки сырья, обеспечивающую конкурентоспособность продукции. В развитых зарубежных странах в производстве и переработке шелка-сырца достигли определенных успехов такие страны, как Япония, Китай, Бразилия, Индия, Южная Корея, а в подготовке сырья для ковров и ковровых изделий Китай, Иран, Турция где для повышения совершенствования производства особое внимание уделяется обеспечению конкурентоспособности продукции в текстильной отрасли, совершенствованию методов управления технологическими процессами.

В мире ведутся научно-исследовательские работы, направленные на достижение высокой эффективности производства шелка-сырца и крученой нити, разработке новых научно-технических решений современных усовершенствованных технологий. В этом направлении, в том числе, являются приоритетными исследования по разработке технологии подготовки сырья для ковровых изделий из шелковых нитей высокой линейной плотности и совершенствованию технологии производства шелка-сырца и крученых нитей. В связи с этим, особое значение приобретает создание новых способов, обеспечивающих высокую эффективность технологических процессов подготовки нитей для ковровых изделий, решение таких задач, как получение шелка-сырца с высокой линейной плотностью для ковровых изделий и установка параметров для формирования крученых нитей.

Особое внимание уделяется обеспечению конкурентоспособности шелковых ковровых изделий путем модернизации шелковой промышленности на внутреннем и внешнем рынках, интенсивному развитию производства готовых изделий с высокой добавленной стоимостью на основе глубокой переработки натурального шелкового сырья в нашей Республике. В новой стратегии развития Узбекистана на 2022-2026 годы, выделены такие важные задачи, как обеспечение стабильно высоких темпов роста в отраслях экономики, в ближайшие пять лет за счет увеличения валового внутреннего продукта на душу населения в 1,6 раза, а к 2030 году доход на душу населения увеличить до 4 тыс. долларов США, а также созданию базы для вхождения в число «стран с доходом выше среднего», удвоению объемов производства продукции текстильной промышленности. В решении этих задач, в том числе разработка и внедрение в производство технологии подготовки сырья для ковровых изделий из шелковых нитей высокой линейной плотности имеет важное значение.¹

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года № УП-60 «О новой стратегии развития Республики Узбекистан на 2022-2026 годы»

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Постановлении Президента Республики Узбекистан от 12 января 2018 года ПП-3472 «О мерах по дальнейшему развитию шелковой промышленности в Республике», от 4 декабря 2018 года ПП-4047 «О дополнительных мерах по поддержке ускоренного развития шелковой отрасли в республике», от 20 августа 2018 года «О мерах по дальнейшему эффективному использованию имеющихся возможностей шелковой отрасли в республике» а также, Указах Президента Республики Узбекистан от 5 мая 2020 года УП-5989 «О неотложных мерах по поддержке текстильной и швейно-трикотажной промышленности», Постановлении Президента Республики Узбекистан от 26 июня 2020 года ПП-4759 «О мерах по развитию в республике отрасли ручного ковроткачества», а также в других Нормативно – правовых документах принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан II. «Энергетика, энерго- и ресурсосбережение».

Степень изученности проблемы. В настоящее время исследования по вопросам совершенствования технологии размотки коконов и получения качественного шелка-сырца, подготовку сырья для нового ассортимента шелковых ковров и его производства проводили такие ученые, как D. Zifut, Kristof De Ruyuk, Moxsen Miratba, В.Е. Гусев, А.Г. Kogan, I. Emmanuel и другие.

Исследование сырьевого состава, используемого для получения крученых, смесовых и других видов нитей с улучшенными свойствами, по созданию теоретической и практической основы для организации процесса подготовки нити на современных оборудовании проводили такие ученые, как: В.А. Усенко, Г.К. Кукин, Э.Б. Рубинов, Р.З. Бурнашев, Х.А. Алимова, Р.М. Хаимова, М. Ниязалиев, Г.С. Поздняков, Ф.В. Зыкова, И.З. Бурнашев, Д.Б. Худойбердиева, Э.Х.Тожиев, З.И. Икрамов, О.А. Ахунбабаев, А.Э. Гуламов, Н.М. Исламбекова, Н.Н. Набижонова, Д.У. Арипджанова, Ш.Р. Файзуллаев и внесли значительный вклад в развитие науки в этой области. Однако до сих пор в известных литературных источниках недостаточно научных исследований, направленных на создание методов разработки технологии подготовки сырья для ковровых изделий из шелковых нитей с высокой линейной плотностью и их эффективное использование в текстильной промышленности.

Связь темы диссертации с научно-исследовательскими работами высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в рамках плана научно-исследовательской работы в Ташкентском институте текстильной и легкой промышленности № 26/2021 “Производства шелка-сырца для ковровых изделий” на ООО “TURAN SILK PRO”.

Цель исследования. Целью диссертации является получения шелка-сырца высокой линейной плотности, разработка технологию подготовки

шелковых нитей для ковровых изделий и исследование свойств полученного сырья.

Задачи исследования:

составление программы для определения свойств сырья, используемое для получения ковровых изделий;

разработка устройства для получения шелка-сырца высокой линейной плотности и метода регулирования линейной плотности, а также установка параметров производства;

изучение изменения по толщине шелка-сырца высокой линейной плотности и установка параметров производства крученой нити;

производство крученых нитей для ковров и исследование их физико-механических свойств.

Объектом исследования являются шелк-сырец высокой линейной плотности, размотанные из коконов и крученые нити для ковровых изделий.

